# Асад ибн Солҳаб қиссаси




11:00 / 14.02.2019 3322

Абдурроҳман ибн Мусъаб айтади: “Куфада бир киши бор эди. Унинг исми Асад ибн Солҳаб бўлиб, обидлардан эди. Бир куни у Фурот дарёси бўйида турганида, ўша ердаги бир кишининг

إِنَّ ٱلۡمُجۡرِمِينَ فِي عَذَابِ جَهَنَّمَ خَٰلِدُونَ ٧٤

**“Албатта, жиноятчилар жаҳаннам азобида абадий қолурлар”.**

لَا يُفَتَّرُ عَنۡهُمۡ وَهُمۡ فِيهِ مُبۡلِسُونَ ٧٥

**“У улардан енгиллатилмас ва улар у** (азоб)**да ноумид ҳолда қолурлар”** (Зухруф сураси, 74–75-оятлар). (Яъни, азоб аҳли жаҳаннамдан

ҳеч енгиллатилмайди. Улар ўша азоб ичида ноумид бўлган ҳолларида абадий қолиб кетадилар) деб тиловат қилганини эшитидию, сувга йиқилиб, вафот этди. Аллоҳ раҳматига олсин!”